ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОММУНИЗМ САРИ!

БУГУН ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ МОСКВАДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ.



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 62 (4568).

30 МАРТ СЕШАНБА 1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯГА ШОН-ШАРАФЛАР

Бугун Москвада КПССнинг навбатдаги XXIV съезди очилади. Бу улкан анжуман Коммунистик партиямиз, совет халқи, халқаро коммунистик ҳаракат, социалистик мамлакатлар ва миллий мустақиллик, озодлик учун курашаётган, социал ривожланиш йўлидан бораётган халқлар ва мамлакатлар ҳаётида ғоят муҳим ва жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг шонли съездига улкан зафарлар ва катта ғалабалар билан келди. Ўтган беш йил мобайнида партиямиз сафлари янада мустаҳкамланди, унинг қаторларига мингларча энг яхши кишилар — ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг илғор вакиллари, меҳнатда, жангда, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган, ўз ҳаётини партия ва халқ ишига бағишлаган ватанпарвар кишилар келиб қўшилди. Партия ташкилотларининг авангардлиги, етакчи, уюштирувчи ва ташкилотчилик қобилиятлари янада ошди. Партиямизнинг омма билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Партия ташкилотлари омманинг ғайрат ва ташаббусига бошчилик қилиб, янги коммунистик анъаналарни ривожлантирдилар. Мамлакатимиз куч ва қудратини ошириш, халқ фаровонлигини янада яхшилаш, тинчлик, халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида улкан ишлар қилдилар ва ҳаётий тадбирларни амалга оширдилар.

Коммунистик партия олиб борган доно ва оқилона ленинча ишлар натижасида ўтган қисқа давр ичида Советлар Ватанининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Иттифоқчи республикалар ленинча халқлар оиласида тараққиёт ва юксалишнинг янги камолот йўлидан, порлоқ истиқбол йўлидан забардаст ва ғолибона одим ташладилар. Партия XXIII съездининг халқ хўжалигини ривожлантириш саккизинчи беш йиллик плани юзасидан Директивалари энг муҳим иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Янги саноат объектлари, шаҳар ва районлар барпо этилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган беш йилликка нисбатан янада кўпайди. Техника тараққиёти жадал ўсди ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ўтган беш йилликка нисбатан мустаҳкамланди. Деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотлари анча кўп ишлаб чиқарилди. Совет фани ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта хизмат қилди, актуал проблемаларни муваффақиятли ҳал этди. Техника тараққиёти натижасида коммунизмнинг моддий-техника базаси тезроқ барпо этилаётганлиги сабабли халқимизнинг моддий ва маданий фаровонлиги юзасидан партия XXIII съезди белгилаб берган асосий топшириқлар ортиғи билан бажарилди.

Коммунистик партия иттифоқчи республикалар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга яқиндан ёрдам бериб, оталарча қилган ғамхўрлиги туфайли бир маҳаллар чор Россиясининг қолоқ ўлкалари қисқа вақт ичида юксак даражада тараққий этди. Буни Ўзбекистонимиз мисолида ёрқин кўриш мумкин. Республикамиз эндиликда ҳар жиҳатдан тараққий этган, индустрияси, социалистик қишлоқ хўжалиги ва маданияти барқ уриб яшнаётган ўлкага, Совет Шарқининг порлаб турган машъалига айланди. Ўтган беш йилликда деярлик ҳамма соҳалар бўйича план ва топшириқлар ошиғи билан бажарилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, деҳончилик ва чорвачиликни ривожлантириш бундан олдинги беш йилликларга нисбатан юксак даражада бўлди. Республикамиз партия ташкилотлари, унинг авангард отрядларидан бири бўлган Тошкент области партия ташкилотлари ва коммунистлари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширишда ташкилотчилик ва меҳнатда юксак намуна кўрсатдилар.

Партиямизнинг навбатдаги XXIV съездини чақириш ҳақидаги хабар барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашларини ҳам янги зафарларга илҳомлантирди. Съездга тайёргарлик ишлари ҳамма ерда қизғин тус олди. Илғорларнинг ва ташаббускорларнинг умумхалқ ҳаракатига миллионларча кишилар, бутун-бутун коллективлар, корхоналар қўшилдилар. Тўққизинчи беш йиллик план юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳаси ҳамма ерда хурсандчилик билан кутиб олинди. Чунки, бу план совет жамиятининг коммунизм йўлидан, унинг моддий-техника базасини қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қараб қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. Шунинг учун ҳам халқимиз Директивалар лойиҳасини қўллаб-қувватлади ва қизғин маъқуллади.

Съездга тайёргарлик даври катта сиёсий кўтаринкилик, янги зафарлар ва улкан воқеаларга бой бўлди. Бошланғич партия ташкилотларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, район, шаҳар ва область партия конференцияларида, Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездида коммунистлар ўз ташкилотларининг ҳисобот даврдаги иш фаолиятини атрофлича анализ қилдилар ва партия Директивалари асосида галдаги вазифаларни белгилаб олдилар. Шу нарса характерлики, йиғилишлар зўр активлик, сиёсий кўтаринкилик, ленинчи Коммунистик партиямиз Марказий Комитети атрофига янада мустаҳкам жипслашган бир вазиятда ўтди.

Партия XXIV съезди шарафига: «Меҳнат зафарларимиз — съездга совғамиз!», «КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!», «Квартал плани — съездгача» деган оташин шиор ва ватанпарварлик сўзлари ҳаймонинг қалбида жўш урди. Саноатчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, бинокорлар оширилган мажбуриятлар олдилар. Эндиликда фидокорона ва қаҳрамонона меҳнат самарасини кўриб турибмиз. Республика ишчилари ва бинокорлари, нўғинча завод ва фабрикалар, областимизнинг чорвадорлари квартал планини бажарганлари ҳақида ғалаба рапортларини бердилар. Улар тўққизинчи беш йиллик планни ҳам муваффақиятли бажаришга аҳд қилдилар.

Шу кунларда ҳар бир совет кишиси ҳаяжон, чексиз қувонч ва яхши умид-орзулар билан яшамоқда. Партиямизнинг бугун очиладиган XXIV съезди коммунистик қурилишнинг навбатдаги улуғвор вазифаларини белгилаб беради ва халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида ғоят муҳим ва улкан воқеа бўлади. Совет кишилари съезд қабул қиладиган барча тарихий ҳужжатларни жон-дилдан кутиб оладилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Чунки бу ҳужжатлар ҳам Ватанимиз тараққиёти, халқ фаровонлигини оширишга қаратилгандир.

— Яшасин партиямизнинг XXIV съезди!

— Коммунистик партияга шон-шарафлар!

— Ленин йўлидан Коммунистик партия раҳбарлигида янги ғалабалар сари олға!

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ишчилари Л. П. Казанцева ва Е. А. Губина тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ватанпарварлик ҳаракати бошлашди. Тўқувчи Лидия Павловна Казанцева ўзининг шахсий беш йиллик топшириғини 2,5 йил мобайнида бажариш ва планга қўшимча равишда 1 миллион 200 минг метр сурп газлама етказиб бериш мажбуриятини олди. Тўқувчи Евгения Александровна Губина шахсий беш йиллик марраси ни уч ярим йил давомида эгаллаш, қолган вақт ичида эса қўшимча 580 минг метр сурп газлама тўқишга аҳд қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС XXIV съезди шарафига беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олган тўқувчилар Л. П. Казанцева ва Е. А. Губина ўртоқларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади ва область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон касаба союзлари совети, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари зиммасига бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг оммалаштириш мажбуриятини юклади.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятларининг 15 кишидан иборат вакиллари составида тасдиқланди.


Хошимов Хусан Қосимович — Тошкентдаги В. П. Чкалов номли завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан, Марказий сайлов комиссиясининг раиси, **Худойберганова Ойбиби** — Хоразм область касаба союзлари Советидан, Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, **Орлов Георгий Михайлович** — Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзидан, Марказий сайлов комиссиясининг секретари қилиб тасдиқландилар.

КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат ходимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, меҳнатда катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Маҳсулотни реализация қилиш ва унинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар.

Квартал охиригача планга қўшимча ўнларча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. Область саноат корхоналари коллективлари кўмир қазиб чиқариш, прокат, пўлат, цемент ишлаб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш бўйича квартал топшириғини муваффақиятли бажардилар. Пландагига қўшимча қўплаб кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Оҳангарон цемент комбинати, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати, Тошкент трактор заводи, «Ўзбекхлопкомаш», Олмалиқ мебель фабрикаси, «Қизил тонг», «Учқун» фирмалари ва бошқа қатор корхоналар коллективлари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришдилар.



ПАРТИЯ — ЙЎЛБОШЧИМИЗ,



СЎЗ-СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

МЕНИНГ БАХТИМ



Партиямизнинг XXIV съездига мамлакатимиз меҳнаткашлари муносиб туҳфа билан келишаяпти. Шу жумладан, колхозимиз деҳқонлари ва чорвадорлари ҳам бу улуғ санага совға тайёрламоқдалар.

Ҳўжалигимиз сабзаветкорлари эртаги экинлар экишни уюшқоқлик билан олиб бораётган бир вақтда, биз чорвадорлар ҳам маҳсулотни кўпайтириш учун курашмоқдамиз.

Давлатга сут сотиш квартал планини муддатидан 20 кун илгари бажардик.

Партиямизнинг XXIII съездидан то бу съездгача бўлган даврда ҳамма соҳаларда яхши натижаларга эришилди. Сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш гектар бошига анча ошди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш йилдан-йилга кўпайиб борди.

Мен ўтган йили ўзимга бириктирилган 25 соғин сигирнинг ҳар биридан 3350 ўрнига 3811 килограммдан сут соғиб олиб, мажбуриятимни ошириб адо этдим. Бу йил янада катта марраларни эгаллаш учун ҳаракат қилаяпман. Ўзимга бириктирилган соғин сигирлардан 88 ўрнига 95 тонна сут соғиб оламан. Бу менинг тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларининг бажарилишига муносиб ҳиссам бўлади.

Мунаввар ИСҲОҚОВА,
Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ХАЛҚ ҚУВОНЧИ



Районимиз меҳнаткашлари партия XXIV съезди очиладиган кунни ишлаб чиқаришда улкан ғалабаларни қўлга киритиш билан нишонладилар.

Утган йили деҳқончиликда баракали йил бўлди. Райондаги ҳамма хўжаликда пахта, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Беш йиллик план муваффақиятли бажарилди. Янги беш йиллик план топшириқларини бажаришга киришдик. Шуни ҳам айтиш керакки, пахтакор ва пўлкорларимиз экин экадиган ерларни сифатли шудгордан чиқариб, ўгитладилар. Эндиликда экин экадиган майдонлар текисланиб, тупроқнинг нами сақланмоқда. Колхозимиз аъзолари ҳам съездга ёруғ юз билан кириб келишди. 1784 гектар пахта майдони экишга тўла тахт қилиб қўйилди. Ҳайдов, чопиқ тракторлари ва экиш агрегатларининг ҳаммаси аввалги йилдагига нисбатан анча барвақт ремонтдан чиқарилди. Колхозчиларимиз энг яхши ишланган майдонларга уруғ ташлашга киришдилар.

Бу йил деҳқонларимиз 6100 тонна пахта, 26 минг тонна каноп пояси етиштириш учун курашмоқдалар.

Чорвадорларимиз ҳам деҳқонлардан орқада қолишмаяпти. Улар съездга совға қилиб, давлатга гўшт, сут топшириш юзасидан зиммаларига юклатилган квартал план топшириғини ортиғи билан бажардилар.

Биз совет кишилари съезд Директивалари лойиҳасида кўрсатилган вазифаларни оғишмай турмушга татбиқ қилиб жонажон Ватанимизнинг бундан кейин ҳам куч ва қувватини янада ошираберамиз.

Хван Ман ГИМ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

АВЛОДЛАР ФИДОКОРЛИГИ

Ҳозир халқимизнинг турмуши яхши, хонадонларимиз тўқ ва фаровон. Ватанимиз куч-қудрати бениҳоя ўсган. Лекин бугунги ажойиб кунларга осонликча етиб келмаганмиз. Айниқса биз — кенса авлодлар буни яхши биламиз. Негаки, мамлакатимизнинг бутун тараққиёт тарихи бобма-боб кўз ўнгимизда содир бўлган.

Ёшим саксонда. Мен икки хил замонани кўрганман. Инқилобдан илгари маҳаллий бойлар, подшо амалдорлари қамчисининг азобини кўп чекканман. Октябрь қуёши чиққанида ёшим йигирма бешда эди. Кўплаб тенгқурларим қаторн инқилоб зафарларини ҳимоя қилишга отландим. Босмачилар тўдасини тугатиш, аёлларни озодликка чиқариш, коллективлаштириш ишларида қатнашдим.

Дастлабки беш йилликлар топширигини адо этишда иштирок қилганман. Шуни айтишим керакки, у пайтларда меҳнат қилиш оғир эди, партия режаларини рўёбга чиқариш бизлардан кўп ғайрат-шижоат, фидокорлик талаб қиларди. Бир воқеани айтиб ўтай. 1933 йилда «Қизил эркин» колхозига раис эдим. Хўжалиги эндигина бирлашган, колхоз тузумининг афзалликларини ҳали деҳқонлар тўла тушуниб етишмаган эди. Шунга қарамай, халқнинг инқилобий фидокорлиги ҳар ишда намоён бўларди.

У пайтларда ҳозиргидек имкониятлар қаёқда дейсиз? Кетмон омоч, сўқа, от, хўниз... — иш қуролимиз шулар бўлган. Ҳатто шулар ҳам етишмасди. Хўнизлар камлигидан долзарб кунларда кечаси ҳам ер ҳайдардик. Пахтадан аранг 14—15 центнерга етказиб ҳосил олардик. Колхозга биринчи трактор келганида қанчалик севинганимизни айтмайсизми!

Ўтмишни эслашдан мақсад бугунги яхши кунларга етиш учун қанчадан-қанча қурбонлар берилгани, меҳнат қаҳрамонликларн нўрсатилганини яна бир бор таъкидлашдир. Шундай, социализмни халқимиз поляа-поля қуриб чиқди. Коммунистик партия бизга бу ишда улуғ раҳнамолик қилди.

Биз, кекса коммунистлар, барча совет кишилари қатори бугунги кунни — Ватанимиз юраги Москвада тарихий XXIV съезд очиладиган кунни орзиқиб кутдик. Бу кун чиндан ҳам тарихийдир. Чега деганда партиямизнинг ҳар бир съездн мамлакатимиз тараққиёти тарихида ёрқин саҳифа очади. Съезд муҳокама қиладиган масалалар, унинг қарорлари, янги беш йиллик режаларини совет халқи тўла рўёбга чиқариш учун куч-қувватини аямайди. Чунки ҳамиша шундай бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Партия сўзи — халқ сўзи деган гапнинг маъноси шунда.

Нишонбой ПИРМУҲАМЕДОВ.
1926 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.

САОДАТЛИ ЙЎЛ

Бугунги фаровон турмуш учун биз аввало башарият ҳақийси Ленинидан, у яратган шонли партиядан бир умрга миннатдормиз. Улуғ Октябрь биз учун ёрқин ҳаёт йўлини очиб берди. Инсонларден меҳнат қилиш, эрк нашъасини суриш, мағрур яшаш ҳуқуқига эга бўлдик. Ўзбек қизининг нималарга қодир эканлигини мана бугунги ҳаёт, ўтмиш саҳифалари кўрсатиб турибди.

Владимир Ильич Октябрь инқилоби ғалабаларини мустаҳкамлашда аёллар ролининг нақадар буюклигини ўша вақтдаёқ кўра олган эди.

Шонли хотин-қизларимиз эрлар билан бир сафда туриб, Коммунистик партия раҳбарлигида социализмнинг моддий-техника базасини яратмоқдалар, қолоқ бир ўлкани жаҳоннинг юксак индустриалиги, коллективлашган, илм ва маданияти равнақ топган улуғ мамлакатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда республикамиз халқ хўжалиги тармоқларида миллионга яқин аёл ишчи ва ҳизматчи меҳнат қилмоқда. Улар барча меҳнатчиларнинг 41 процентини ташкил этади. Шуни қувонч билан тилга олиш керакки, 17 минггдан ортиқ хотин-қиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида инженер ва техник бўлиб ишламоқда. Кўпгина аёлларимиз ишлаб чиқаришнинг номдор командирлари сифатида довруғ қозонишган. 116 аёл йирик саноат корхоналарининг директорлари ва бош инженерлари бўлиб меҳнат қилмоқдалар, 43 аёл область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарларидир.

Аёлларимиз илм олиб, ўз малакаларини ошириб мана шундай ишончга сазовор бўлмоқдалар 1926 йилда инженер-техник ходимлари орасида фақатгина икки аёл бор эди. Бугунги кунда 210 мингдан ортиқ хотин-қиз олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисдир. Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи соҳасида ишлаётганларнинг 60 проценти аёллардир.

Партия ва ҳукуматимиз хотин-қизларнинг барча қатори чуқур билим олишлари учун ҳамма ўқув юртлари эшигини кенг очиб қўйган. Ҳозирги кунда минглаб қиз-жувон олий ўқув юртларида таълим олмоқда. 8,5 минг аёл илмий ходим бўлиб ишлаяпти. Улар орасида 50 фан доктори, 32 профессор, 2 мингдан кўпроқ фан кандидати бор. СССР медицина фанлари академияси мухбир аъзоси, медицина фанлари доктори, профессор З. Умидова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Беруний мукофоти лауреати, тарих фанлари доктори Р. Х. Аминова, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. П. Хожинова, фан докторлари М. Орифхонова, С. Азизова, М. Ашрапова каби олималар ва фан арбоблари бизнинг фахр ва ғуруримиздир.

Институтимизда меҳнат қилаётган илмий ходимларнинг ҳам 60 процентидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил қилади. Институт директори Мелихон Охунова, сектор мудири Раҳима Аминова ўртоқлар етук мутахассислар тайёрлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Тарихчи аёлларнинг кўпчилиги Раҳима Аминова раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини ёқлаган. Ҳозир унинг шогирдлари турли соҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ўзбек қизининг овози бугун жаҳон бўйлаб янграмоқда. СССР халқ артистлари Халима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева каби талантли санъаткорларимизни ҳозир ким танимайди, дейсиз? Республика санъатини ривожлантиришда ҳозир 2,5 мингдан ортиқ хотин-қиз ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Улар орасида СССР халқ артистларидан 6 киши, Ўзбекистон ССР халқ артистларидан 45 киши, республикада хизмат кўрсатган артистлардан 147 киши бор. Улар ўз санъатлари билан республика довруғини қўшмоқдалар.

Саноатда ва санъатда, маданиятда ва қишлоқ хўжалигида — қайси соҳада бўлмасин, коммунист аёлларимиз шахсий намуна кўрсатиб, партия қарорларини ҳаётга татбиқ этишда катта ташкилотчилик ролини ўйнамоқдалар. Республикамиз Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XVIII съездига хотин-қизлардан 493 делегат сайланди. Бу делегатлар умумий составининг салкам 34 процентини ташкил этади. Республика Компартиясининг XVII ва XVIII съездлари орасида хотин-қизлардан 24 минг 600 дан ортиқ киши партия сафларига қабул қилинди. Ҳозир салкам 83 минг хотин-қиз партия аъзосидир.

КПСС XXIV съезди ишида ҳам республикамизнинг донгдор коммунист хотин-қизлари иштирок этадилар. Улар барча делегатлар қатори мамлакатимиз истиқболи режаларини тузишда қатнашадилар. Партия XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишда ҳам шу фидокор аёлларимиз авангардлик ролини ўйнайдилар.

М. ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институти илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

КОММУНИЗМ БАҲОРИ

Нурли истиқболга қўйилди қадам,
Бағрини кенг очди равшан уфқлар
Коммунизм баҳорин қутлайди олам,
Шаънига янграйди асил қўшиқлар.
Қўшиқким, ҳар сўзи, ҳар ифодаси
Тобланган юраклар меҳр оташида.
Буюк коммунистнинг қалб иродаси
Унга бахш этганлар қудрат нашида.
Олий анжуманнинг бир шогирдидек
Пойтахт минбарига тикилди кўзим.
Шоирлари аро бир шоиридек,
Унга бағишланур миннатдор сўзим.
Партиям,
Номингни олганда тилга,
Бепоён Ватанни кўраман яққол.
Бахтинг шуълалари ёйилиб элга,
Мазмунини топди Эрк билан Иқбол.
Инсонни улуғлаш илму санъатин,
Комолат дарсини ўргатган устоз,
Ҳаётим, умримни сенга атадим,
Сен бердинг халқимга қанот ва парвоз
Ҳаётбахш нафасинг яратган баҳор
Абадий баҳордир — барқ урди эллар.
Улуғвор азмингга ҳавас-ла боқар
Барча меридиан ва параллеллар.
Чунки сен, Ватаннинг юксак биносин
Офтобдай сарбаланд этолган меъмор,
Сиймоингда кўрамиз Ленин сиймосин,
Ҳар сўзинг зафарга чорловчи шиор.
Ҳурмат, эътиқодга абадий ҳайкал
Тошкент бағридаги мармар қасримиз.
Ҳар бир рақамида топганча сайқал
Ярқираб туради буюк асримиз.
Дўстлик қуёшидан юрт обод, гулгун,
Еримиз зар бўлди,
Тошимиз гавҳар.
Ойга ҳам қўлимиз етгандир бугун,
Партиям, ўзингсан раҳнамо падар.
Ватан оғушида ижод нафаси,
Янги довонларга итилдик дадил.
Коммунизм — дунёнинг бахту сафоси,
Муборак сафарга ўзингсан кафил.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.



ТУҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ, БУТУН ХАЛҚ ОЛИБ БОРАЁТГАН КУНДАЛИК АКТИВ ФАОЛИЯТ ВАТАНИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, КОММУНИЗМ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ТУГАЛ ЯРАТИШНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ, КОММУНИСТИК ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА, ЯНГИ КИШИНИНГ ТАРБИЯЛАНИШИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЁРДАМ БЕРАДИ.

(КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасидан).

БЕКОБОД металлургия заводининг пўлат эритувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Асад Эргашев КПСС XXIV съездини шахсий меҳнат тортиқлари билан кутиб олди. У шу йилнинг биринчи квартали учун белгиланган нормани 130 процент қилиб адо этди ва қўшимча ўнлаб тонна пўлат эритди.

Ж. Раззоқов фотоси.

СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА

СОВЕТ ҲАЛҚИНИНГ

1917 йилнинг июни. Россияда февраль буржуа-демократик революцияси бўлганига уч ойдан кўпроқ вақт ўтган. Лекин революциянинг энг муҳим масалалари — сулҳ, ер, нон тўғрисидаги масалалар ҳал қилинмаган эди. Советларнинг ўша пайтда йиғилган Бутунроссия биринчи съездида меньшевикларнинг раҳбарларидан бири ҳозир Россияда ҳокимиятни қўлга олишга қодир сиёсий партия йўқ, деб даъво қилди. Бунга жавобан залда В. И. Ленининг шикоаткор, чуқур ишонч тўла «Шундай партия бор!» деган сўзлари жаранглайди. Большевиклар ҳокимиятни бутунлай қўлга олишга ҳар дақиқа тайёрдирлар, деб қўшиб қўяди Владимир Ильич. Коммунистлар партиясининг ишчилар синфи ғалабасини, муваффақият билан янги жамият қуришни таъминлай олишига бу ленинча ишончни тарих тўла тасдиқлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Коммунистик партия Совет мамлакатида ҳукмрон партия бўлиб қолди. Унинг раҳбарлигида СССРда социализм қурилди, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги вужудга келди, мустаҳкамланди.

Коммунистик партия қудрати ва обрў-эътиборининг бош манбаи нимада? Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми ғояларига содиқликда, унинг сафлари метинлиги мустаҳкамлигида, ишчилар синфи, халқ оммаси билан узвий алоқасида, унинг революцион руҳида ва фаолиятн ғояларини танқидий назар билан баҳолашга ва чуқур англашга қодирлигида.

Ишчилар синфининг сиёсий партиясигина ғоя Коммунистик партиягина, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. пролетариат ва бутун меҳнаткашлар оммасининг шундай бир авангардини бирлаштириш, тарбиялаш, уюштиришга қодирдирки, бу авангард бутун пролетариатнинг бирлашган фаолиятига, у орқали эса, барча меҳнаткапларга бир ўзи раҳбарлик қила олди.

Коммунистик партия бу фазилатларини қандайдир сеҳрли куч туфайли ортдирмаган. Бу фазилатлар онгли интизом, коммунизм ишига садоқат, унинг учун фидокорона курашга тайёрлик туйғуси билан жипслашган маслакдошлар ташкилоти — КПССнинг табиатида мавжуддир.

Буржуа олимлари ва публицистлари кўпинча тарихий ҳақиқатга хилоф равишда. Коммунистлар гўё партия аҳамиятини ошириб юборадилар, Маркс партияни умуман муҳим фактор деб билмаган, балки ишчиларнинг стихияли ҳаракатига умид боғлаган, деб даъво қиладилар. Гўё фақат Ленингина асосий эътиборни «гуруҳга» — профессионал революционерларга қаратганмиш, бу гуруҳни ҳокимиятни эгаллаш ва жамиятда революцион ўзгаришлар ясашнинг ҳал қилувчи қуроли деб билганмиш. Маркс билан Энгельс ўз сиёсий партиясига уюшмоғи учун пролетариатга қарийб ярим аср мобайнида кўмаклашганликларининг ўзи ҳам да'воини тамоман инкор этади. Уларнинг фикрича бу партия жамият тараққиёти қонунларини билиб олган, ишчиларга яқин орада ҳал қилинадиган вазифаларни, шунингдек, курашнинг пировард мақсадини кўрсатиб бераоладиган бўлмоғи лозим эди.

Ўз сиёсий партиясини тузиш ишчилар синфи балогатга етганини, ўз синфий манфаатларини тушуниб олганини билдиради. Ленин Маркс билан Энгельс ишини тўла изчиллик билан давом эттириб, ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг юқори формаси бўлган пролетар партияси ҳақида уларнинг ғояларини янги тарихий шароитда ривожлантирди ва бойитди. Бундай ташкилот ишчилар синфининг (В. И. Ленин, Асарлар, тўла тўплами, 41—том, 7—бет) ғалабасига умид боғлаши мумкин.

Ленин томонидан пролетариат партияси, ишчилар синфининг илғор отряди сифатида тузилган КПСС социализм ғалаба қозониши билан бутун совет халқининг авангарди бўлиб қолди. КПСС нинг юксак обрўси ва унга чуқур ишонч совет кишиларида ўз ғоявий ва ташкилий ҳаётини партия билан боғлаш истагини табиий равишда туғдирди.

Ленин бир вақтлар халқ ғазабидаги томчига қиёс қилган Коммунистик партия эндиликда оммавий партия бўлиб қолди.

Совет Иттифоқининг ўн саккиз ва ундан катта ёшдаги ҳар ўнбир гражданидан бири партия сафларидадир. КПСС аъзоларининг қуролли, ўнтўрт миллионли отряди илғор ишчилар, колхозчилар, зиёлилардан ташкил топган.

Партия бутун ижтимоий тузумнинг ташкилотчи ядроси, бутун совет халқининг коллектив закоти сифатида иш олиб боради. Айни вақтда у ўз моҳиятя ва табиатига кўра, ишчилар синфи партиясидир. Уставга мувофиқ партия сафига кириш шартлари ижтимоий аҳволидан қатъий назар барча учун баробардир Душман синфлар бўлмаган барча ижтимоий гуруҳлар бирлиги таъминланган жамиятда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Совет жамиятининг энг кўп уюшган ва илғор синфи бўлган ишчилар синфи коммунизм қурилиши даврида ҳам раҳбарлик мавқеини сақлаб қолиши туфайли партия ўз сафларини биринчи галда илғор ишчилар ҳисобига тўлдириб боришдан манфаатдордир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг синфий характери шу маънода ҳозирги даврда ҳам сақланиб қолади.

Маълумки, СССРда бир партияли сиёсий тузум мавжуд. Буржуазия идеологлари буни демократия принципларининг бузилиши деб даъво қиладилар. Лекин бундай даъволарнинг асоссизлигига ишонч ҳосил қилмоқ учун тарих саҳифаларини эслаб ўтиш кифоядир.

Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг Россияда бир неча партия — меньшевиклар, эсерлар ва бошқа партиялар бор эди. Сўл эсерлар ҳатто (1918 йил июлида) Совет ҳукумати составига ҳам кирган эдилар. Лекин бу партияларнинг ҳаммаси очиқдан-очиқ контрреволюция йўлига ўтиб олдилар, ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини тан олишдан бош тортдилар. Улар большевиклар таклиф қилган ҳамкорликни рад этдилар. Совет ҳокимиятига ҳартарафлама путур етказавердилар. Табиийки, совет ҳалқи уларни сиёсий ҳаёт саҳнасидан улоқтириб ташлаб коммунистлар партияси кўрсатган йўлдан борди Шундай қилиб, СССРдаги бир партияли тузум бирорта декрет ёки қарор билан яъни, сунъий йўл билан эмас, балки тарих тақозоси билан қарор топди.

КПСС жамиятга сиёсий раҳбарлик қилишни ўз фаолиятининг асосий моҳияти деб билади. У жамиятга сиёсий раҳбарлик қилар экан, давлат ва жамоат ташкилотларига қўмондонлик қилмайди, уларнинг ўрнини эгалламайди ва вазифаларини қориштирмайди. Жамиятни, давлатни ишлаб чиқаришни бошқариш дастакларини бутун совет халқининг қўли ҳаракатга келтиради. Булар меҳнаткашлар депутатлари Советларининг икки миллиондан кўпроқ депутатлари ва 25 миллионча активлари, доимий ишлаб чиқариш кен-

СЎЗ-СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ФАХРЛАНАМАН



Ҳаётимда эсда қолурлик кўпгина воқеалар содир бўлган. Ленин партияси сафига аъзо бўлиб кирган 1965 йил ҳамда Тошкент область партия конференциясида КПССнинг XXIV съездига делегат қилиб сайланишим айниқса қувончлидир.

Касбим оддий қурувчи. Бу касбда ўрта мактабни тугатиб, шаҳодатномани олганимдан буён ишлаб келяпман. Ўзбекистон Компартияси ҳамда республика Министрлар Советининг қарорига мувофиқ Ҳужакент қишлоғи яқинида Чорвоқ ГЭСи қурилишини эшитиб, шу ерда ишлашга қарор қилдим.

Олдимизда турган вазифа қанчалик масъулиятли эканини ҳар биримиз яхши тушунардик. Республикамизнинг турли шаҳар ва районларидан улкан иншоот қурилишига кўплаб келаётган кишиларни биринчи навбатда уй-жой, болалар боғча ва ясслари, мактаблар билан таъминлаш лозим эди. Шу туфайли иш икки сменада ташкил этилди. Ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилди.

Тошкент қурилиш техникумининг Чорвоқдаги кечки филиалини тамомлаганимдан сўнг қурилиш материаллари заводига ишга таклиф этишди. Заводда ишлаётганимга икки йилча бўлиб қолди. Бу ерда бригадирлик қилаяпман.

Қурувчиларимиз КПСС XXIV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Биз Чорвоқ ГЭСининг иккинчи агрегатини съезд очилишигача ишга туширамиз деб сўз берган эдик. Куни кеча у ток бера бошлади. Эндиликда нурхонанинг қуввати 300 минг киловаттга етди.

М. ХАЛИЛОВ,
бинокорлик материалларн заводи бригада бошлиғи.

ПАРТИЯ—РАҲНАМОИЗ

КОММУНИСТЛАР ДА БИТТА ИМТИЁЗДАН БОШҚА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ ЙЎҚ. БУ ИМТИЁЗ ШУКИ, УЛАР УЗЛАРИНИНГ КУЧ ВА ҒАЙРАТЛАРИНИ УМУМИЙ ИШГА БОШҚАЛАРДАН КУРА КЎПРОҚ САРФЛАШЛАРИ, БУ ИШНИНГ ТАНТАНАСИ УЧУН БОШҚАЛАРДАН КУРА ЯХШИРОҚ КУРАШИШЛАРИ ВА МЕҲНАТ ҚИЛИШЛАРИ КЕРАК. КОММУНИСТЛАРНИНГ БИТТА ҲУҚУҚДАН БОШҚА ҲЕЧ ҚАНДАЙ АЛОҲИДА ҲУҚУҚЛАРИ ЙЎҚ. БУ ҲУҚУҚ ШУКИ, УЛАР ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА БЎЛИШЛАРИ, ҲАМИША ЭНГ ҚИЙИН ЖОЙДА БЎЛИШЛАРИ КЕРАК.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СЎЗ — СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ФАНИМИЗ УФҚЛАРИ



Улуғ саналарни, тарихий воқеаларни меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олиш азалий одатимиз. Жонажон партиямизнинг XXIV съезди ҳам совет кишилари ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлади. Съездга биз, илм-фан аҳллари ҳам муносиб ижодий совғалар ҳозирладик.

Ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон фани бекиёс ривожланди. Бу орада фаннинг янги йўналишлари вужудга келди. Йирик илмий-текшириш муассасалари иш бошлади.

Бу ва бошқа илмий-текшириш муассасаларида халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган кўплаб тадқиқотлар бажарилди. Буларнинг кўпи ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Пахтачилик фанини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Селекционер олимларимиз кашф этган янги нав пахталар, ҳусусан «Тошкент-1», «Тошкент-2» ва «Тошкент-3» нав пахталари заршуносларимизга манзур бўлди.

Тадқиқотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Йирик темаларда илмий ишлар олиб боришга эътибор кучайтирилди. Бундан кейин ҳам олимларимиз фаннинг муҳим проблемалари бўйича илмий кузатиш ишлари олиб боредилар.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари партиямиз XXIV съездини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олаётган бир пайтда ўзбек олимларининг ҳам активлиги янада ошди. Фанлар академияси илмий коллективлари ўз тадқиқотларини муддатидан илгари якунлаш, қўшимча ишлар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кадрлар тайёрлаш, илмий билимларни омма ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан мажбуриятлар олдилар.

КПСС XXIV съезди қарорлари биз олимлар учун ҳам муҳим дастур бўлиб қолади.

О. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти



ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Бугун ўз ишини бошлайдиган КПСС-нинг XXIV съезди партиямиз, халқимиз ва мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади.

Бутун совет кишилари партиямиз съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Умумхалқ социалистик мусобақаси авж олиб кетди. Бизнинг коллективимиз ҳам бу ҳаракатда фаол иштирок этди, зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишлади.

Шуни қувоич билан айтишим керакки, меҳнатсевар чеварларимиз эл-юрт олдида берилган ўз ваъдаларининг тўла уддасидан чиқдилар. Саккизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари адо этдилар. Ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз ва хизматчиларимизнинг бу фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. Корхонамизга Меҳнат Қизил Байроқ ордени берилди.

Бундай юксак муқофот барча чеварларимизнинг ғайрат-шижоатини янада ошириб юборди.

Шу туфайли ҳам 1971 йилнинг биринчи кварталида реализация қилиш планини муддатидан илгари 24 мартда бажардик. Давлат сифат белгиси билан 2 мингта кийим-кечак чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 процент ошди. Бу мажбуриятимиздагига қараганда 4 процент кўпдир.

Маҳсулот таннархини камайтириш, буюмларнинг рентабеллигини ошириш туфайли планга қўшимча 170 минг сўм жамғарма олинди. 18 минг метрдан кўпроқ турли-туман газламалар тежаб қолинди. Бу меҳнатсевар чеварларимизнинг партиямиз XXIV съездига муносиб совғасидир.

С. СУЛТОНОВА,
Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмасининг директори



КАЛИНИН районидаги Қўйлиқ теплица комбинати сабзаворкорлари шаҳар меҳнаткашларини кўплаб помидор, бодринг билан таъминламоқда. Ҳар куни тонналаб сифатли сабзавот маҳсулотлари жўнатилаяпти. Суратда: комбинатнинг илғор ишчиси М. Ғаюпова.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

СЪЕЗДГА СОВҒА

Чирчиқдаги сут-ёғ заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXIV съезди шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари — 25 мартда шараф билан адо этдилар. Шаҳар аҳолиси учун 2 минг 300 тонна сут маҳсулотлари етказиб берилди.

Бундай юқори зафарларга эришишда Умрихон Эшматова, Исмоил Сафаргалиев ва Ҳамид Фозилов каби ўнлаб пешқадам ишчиларнинг ҳиссалари катта бўлди. Уларнинг кўнчилиги смена нормасини 140—150 процентга етказиб бажаришяпти, 1972 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Р. МИРЪАЗАМОВ.

ДАСТЛАБКИ ЗАФАРЛАР

Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозининг азамат чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг тўнғич йилида давлат қабул пунктларига 56 тонна сут топшириб, бу соҳадаги квартал планини районда биринчи бўлиб адо этдилар.

Ҳиммати баланд чорвадорлар ой охиригача давлатга яна 14 тонна серқаймоқ сут топшириб, партиямизнинг навбатдаги съездини арзигулик туҳфа билан кутиб олишга қарор қилишди. Бу борада ғайрат кўрсатиб ишлаётган тажрибали молоқарлардан Қ. Айдаров, Қ. Девонақулов, сут соғувчилар дан Б. Айдарова, Х. Боботоева, Ж. Судғонова каби меҳнатсеварлар номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олмоқда.

Т. СОБИТОВ.

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Юқори Чирчиқ район чорвадорлари партия XXIV съезди вахтасида туриб юксак муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Улар шу кунгача давлатга 1752,5 тонна серқаймоқ сут топшириб, квартал планини ошириб бажардилар. Шунингдек, 548 минг дона тухум, топширилди. Улар квартал охиригача яна 350 тонна сут ва 100 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олдилар.

М. ТУРСУНОВ.

ҚУРУВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли бинокорлик ташкилотлари, корхоналар ва автомобиль транспорти хўжаликлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямиз XXIV съездига муносиб тортиқ билан келдилар. Қўли гул бунёдкорлар 1971 йилнинг биринчи кварталида зиммаларига олган социалистик мажбуриятда мўлжалланган 19 та объект ўрнига 20 объект ва янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширдилар. Уй-жой майдонларини қуриш биринчи квартал плани 110 процент қилиб бажарилди. Ҳаммаси бўлиб 151,9 минг квадрат метр ҳажмдаги уйлар фойдаланишга топширилди. Мактабгача болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш квартал плани ҳам ошириб адо этилди.



ОБЛАСТИМИЗДА йирик «Хандам» канали қурилиши қизғин олиб борилаяпти: Тез кунларда каналдан сув оқа бошлайди. Ҳозирги кунда қурувчилар тайёргарлик ишларини пухта олиб боришаяпти. Суратда: (чапдан) тракторчи Тошмурод Эргашев ва скрейперчилар бригада бошлиғи Жонибой Молдабеков ўртоқлар.

А. Мальцев фотоси.

МЕҲНАТ ВА ҲУРМАТ

У дилидаги гапни тоғасига айтишга ботинолмай кўп ўйланди.

— Нима дер эканлар? Ахир биз ёшликда ота-онадан ажралиб қолдик. Тоғамлар ота ўрнига ота, она ўрнига она бўлиб, етимлик нималигини билдирмай ўстирдилар. Энди катта қилиб одам қилганимда мени ташлаб қаёққа кетмоқчисан десалар-а! Унда нима деган одам бўламан!

...Тошпўлат ота бир қарашдаёқ Абдусатторнинг нима демоқчи эканлигини пайқаб олди.

— Айтавер, жиян, тортинма,— деди у.— сен ҳам аканг билан бирга кетмоқчимисан?

Абдусаттор сўз тополмай бир оз жим бўлиб қолди: «Ажабо, ваҳотки, акам айтиб қўйган бўлса?»

Гап бундай бўлган эди. Абдусатторнинг акаси Абдужаббор қишлоқ хўжалик институтини битириб агрономлик дипломини олгач, унга Тошкентдаги «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозига бориб ишлашга йўлланма беришди.

— Ука,— деди Абдужаббор.—майли, десанг сени ҳам ўзим билан бирга олиб кетай. Хоҳласанг, ўқишни давом эттирасан, хоҳласанг, мен билан бирга совхозда ишлайсан.

Жигар эмасми, акасининг бу сўзлари унга ялингандек туюлди. Дарҳақиқат, ака-ука ёшликдан бир-бирларига жуда меҳрибон бўлиб, бир-бирларига суяниб қолишган эди. Йўқ деса, акасининг кўнгли ранжийди. Хўп деса уёқда отасидек қадрдон бўлиб қолган тоғаси турибди.

— Мен ҳам буни тушунаман,— деди Абдужаббор,—агар ҳам чакки эмас,— дейди у. Экишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганмиз. Бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириб, барча ҳосилни машинада териб олмоқчимиз.

...Оддий ўзбек деҳқони бугун Москвада партиямизнинг улкан анжуманида қатнашмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, Абдусаттор съездан янги-янги таассуротлар, режалар билан қайтади. У бундан буён пахтачиликни механизациялаштириш ишига янада катта ҳисса қўшади.

Н. РИХСИЕВ.

ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ

ғаларининг беш миллиондан ортиқ қатнашчилари, турли жамоат ташкилотларининг ўнларча миллион аъзолариди. Давлат ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифаларини белгилаб беришни, совет жамиятининг бош истиқболини назарда тутган ҳолда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туришни, улар фаолиятининг энг кўп самара беришини таъминлашни, бутун давлат ва жамоат механизмига баракали гоявий-сиёсий таъсир кўрсатишни КПСС ўз вазифаси деб билади.

КПСС сиёсатининг қудрати — марксча-ленинча назариядадир. Назария, ижтимоий тараққиёт қонуниятларини билиб олиш тарихнинг умумий йўналишини тўғри баҳолашда, унинг асосий тенденцияларини кўраолишда, оммани рўёбга чиқарилиши керак бўлган ғоялар ва шиорлар билан қуроллантиришда партияга ёрдам беради.

Ишчилар синфи сиёсий ҳокимиятни қўлга киритганидан сўнг, хўжалик қурилиши социализм ва коммунизм ғалабаси учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Коммунистик партия изчиллик билан бутун совет халқининг куч-қудратини бутун социалистик экономиканинг негизи — саноатни янада ривожлантиришга, у билан бир қаторда сермаҳсул қишлоқ хўжалигини яратишга қаратиб гоят катта ютуқларга эришди. СССР саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига (айнан шу йил Романовлар династияси даврида Россия эришган энг юқори погона эди) нисбатан қарийб 90 баробар ортиб кетганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Шуни ҳам назарда тутмоқ керакки, Совет давлати яшаб турган 53 йилнинг йигирма йилчаси давлатимизни урушига мажбур қилган урушларга ва шундан сўнгги халқ хўжалигини тиклашга кетди.

Ленинча кооператив план асосида совет қишлоғи социалистик қайта қурилди. Ҳозирги колхоз ва совхозлар деҳқонлар учун коммунизм мактаби бўлиб қолган йирик, механизациялашган сермаҳсул хўжаликлардир.

Мамлакатнинг миллий даромади 1970 йили 1965 йилдагига қараганда 42 процент ўсади. Бу ўсиш 80 миллиард сўм демакдир. СССРнинг бутун миллий даромади 1954 йилда шунча сўмни ташкил этган эди.

Экономикани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — қуруқ мақсад бўлмай, балки Коммунистик партия ўз олий принципини амалга оширишда таянадиган восита ҳамдир. Бу олий принцип — «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» эканлиги ҳаммамизга маълум. Партия иқтисодий сиёсатининг моҳияти фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал тарзда ривожлантиришдан, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада анча ривожлантиришни, қишлоқ хўжалигини юксак суръатлар билан ўстиришни таъминлашдан иборатдир. Шу туфайли халқ турмуши даражасини анча кўтаришга, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга эришишдан иборатдир.

СССРда сўнгги йилларнинг ўзидагина кам ва ўртача маош оладиган ходимларнинг маоши оширилди, пенсиялар миқдори кўпайтирилди, колхозчиларга пенсия ва нафақа тўлаш таъминланди. Аҳоли истеъмол фондлари ортиб бормоқда. Пулсиз ўқитиш, медицина хизмати кўрсатиш, стипендиялар, пенсиялар, нафақалар тўлаш, санаторий ва дам олиш уйларига пулсиз ёки имтиёзли йўлланмалар бериш, отпуска пулларини тўлаш, болалар муассасаларини таъминлаб турищ шу фондлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Пролетар интернационализми — Коммунистик партиянинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Унинг большевизм пайдо бўлгандан буён босиб ўтган қарийб етмиш йиллик тарихий йўли ҳар қандай миллатчилик оғишлар ва оқимларга қарши изчил кураш олиб борилганлиги билан характерланади. Интернационализм ва национализм — бу, Ленин сўзлари билан айтганда, икки қарама-қарши сиёсат, ҳатто икки қарама-қарши дунёқарашдир. Ишчилар синфига унинг иқтисодий аҳволи туфайли интернационалистик дунёқараш ва ҳамма меҳнаткашларни озодлик, чинакам тенглик ва қардошлик байроғи остида жипслаштиришга қаратилган интернационалистик сиёсат мувофиқ келади. Пролетар интернационализми ғояларига риоя қилмай ва уларни амалга оширмай туриб чинакам социализм қуриш мумкин эмас. КПСС барча миллат меҳнаткашларининг ягона қардошлик оиласига жипслашишини таъминлагани, эксплуататор синфлар томонидан ардоқлаб келинган, ишчилар синфи иши учун тамоман душман ва хавфли бўлган буюк рус шовинизми, ҳамда маҳаллий буржуа миллатчилиги ва сепаратизмини енгаолгани учун ҳам СССРда буюк ғалабаларга эришди.

Меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш — социализм ғалабасининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Совет Иттифоқи 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб қарийб 243 миллион кишининг қардошлиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги негизига қурилган. Уларни иқтисодий-иқтисодий тузумнинг умумийлиги, сиёсий тузум, ягона социалистик идеология бирлаштиради. Миллий ғаниимлик, миллий махдудлик ва эгоизм совет кишиларига бегонадир.

Пролетар интернационализми принциплари КПССнинг ташқи сиёсий фаолияти негизини ҳам ташкил этади. Бу принципларни Ленин 1918 йилдаёқ қисқа, ихчам формулада баён қилиб берган эди:

Ленин пролетар партиясининг чинакам интернационализмини ҳамма вақт ва ҳамма шароитларда миллий ва интернационал манфаатларни қўшиб олиб борган ҳолда, биринчисини иккинчисига бўйсундиришда, барча мамлакатлар ишчилар синфининг социалистик манфаатлари соф миллий манфаатлардан муҳимроқ эканини ёдда тутишда деб биларди. Интернационализм сиёсати тушунчасини мешчанларча, оппортунистларча ва миллатпарварча бузишга қарши курашни Ленин партиянинг биринчи даражадаги энг муҳим вазифаси ҳисоблар эди.

Ленин васиятларига содиқ бўлган КПСС СССРда коммунизм қурилиши ишини муҳим интернационал вазифа деб билади, уни барча социалистик мамлакатларнинг жипслигини мустаҳкамлаш ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантириш вазифалари билан, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларга кенг ёрдам бериш билан, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш билан узвий равишда боғлайди.

Совет халқининг курашаётган Вьетнамга кўрсатаётган катта ёрдами КПССнинг пролетар интернационализми ишига садоқатини яққол ифодалайди. Ўнг унсурлар Чехословакияда социалистик тузумни қўпоришга уринган кунларда Совет Иттифоқи бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда жаҳон реакцияси режаларини барбод қилишда чехословак халқига ёрдам берди.

Бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди иш бошлайди. Съезд партия ва халқнинг XXIII съездан буён ўтган даврда қилган ишлари натижаларини муҳокама қилади, навбатдаги вазифаларни белгилайди. Партия коммунизм ғалабаси учун курашнинг асосий плацдарми унинг моддий-техника базасини яратишдан иборатдир, деб билади. Бу база коммунизмнинг «Ҳар кимдан —қобилиятига яраша, ҳар кимга —эҳтиёжига яраша» деган асосий формуласини амалга оширишни тайёрлайди. Асосий йўналиш ва кўрсаткичларини съезд белгилаб берадиган янги беш йиллик план ҳам шу вазифани ҳал қилишга қаратилади.

КПСС ўз XXIV съездига яхлит ва жипслашган, революцион назария билан қуролланган ва ишчилар синфи иши учун, коммунизм ғалабаси учун кураш тажрибаси билан бойиган ҳолда келди.

Степан ТИТАРЕНКО,
тарих фанлари доктори.

СЎЗ-СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ДИЛДАН ТАШАККУР



Бу корхонага оддий шогирд бўлиб ишга келганимга ҳозир 10 йилдан ошиб қолди.

Ўшанда ветеран ишчилар «Шогирд фақат ўқиш ва ўрганиш туфайлигина ўз устозларидан ўтадиган уста бўлади» деб қулоғимга қуйишарди. Бу гапда жон бор экан. Дастлабки кунларданоқ устозларим ишини кузата бошладим. Улардан кўп нарсани ўргандим, ўқиш давомида малакам яна ҳам ошди. Инлар ўтиши билан комплектловчи, сиповчи, операторлик касбларини эгаллаб олдим. Шундан кейин ишонишиб менга бутун бошлиқ бригадага раҳбарлик қилишни топширишди.

Олдинига ишни нимадан бошлашни билолмай бироз қийналдим. Яна ҳамкасбларим ёрдамга келишди. Секин-аста бригадамиз илғорлар сафидан ўрин ола бошлади.

Янги йилнинг дастлабки квартали плани ҳам муддатидан олдин бажарилди. Кўплаб материал ва хомашё тежаб қолиниди. Биз йил бошида партиямиз XXIV съезди очиладиган кунда фақат тежалган хомашёдан маҳсулот тайёрлаймиз деб аҳд қилган эдик. Ўз сўзимизнинг устидан чиқдик. Бир кун эмас, икки кун ишлашга ҳам етадиган материал ва хомашё тежаб қолдик.

Л. СЛОБОДИНА,
Ленин номидаги электрон техника заводи бригадасининг бошлиғи.

САНОАТНИНГ БАХТИ

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ



Тошкентдаги пиллакашлик фабрикасининг пилла пишируви чиси Саноатхон Йўлдошева бахтини меҳнатдан топган минглаб ўзбек аёлларининг биридир. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент область XVI партия конференциясида Саноатхон КПСС XXIV съездига делегат қилиб сайланди.

Саноатхонни 1962 йилда Тошкентдаги пиллакашлик фабрикасининг ипак-йигирув цехига пилла пиширувчига шогирд бўлиб ишга келган вақтдан буён танийман. Тўққиз йил муқаддам пилланы пиширибберадиган ярим автомат «РК—750» машинасининг олдида югуриб-елиб иш ўрганиб юрган лўппи юзли, хушбичим қизнинг ишга иштиёқи ҳали ҳам кўз олдимда.

Саноатхон ишга келган куниданоқ бирор дақиқани ҳам бекор кетказмасликка, танлаган касбини пухта ўрганиб олишга аҳд қилди. Пиширилаётган пиллаларнинг кўз зўрга илғайдиган учларини топиб, йигирув автоматларига боғлаш учун етказиб бериш бўлимлардаги сувнинг ҳароратини технология қоидаларига кўра бир текисда сақлаш, чархга тоза ипак ўралиб кетишига йўл қўймаслик кишидан ўта ҳушёрлик талаб этарди. Ўткир зеҳнли, тинмай-тинчимас қиз танлаган касбининг бундай мураккаб томонларини қунт билан ўрганди. Цехдаги ҳамма автомат ва ярим автомат станокларнинг иш тартиби ва технология қоидаларини пухта ўзлаштирди. Пиллар ўтди. Касбдошлари лаёқатли қизга ишонч билдириб, уни бригадага бошлиқ этиб тайинладилар.


Саноатхон актив жамоатчи сифатида ҳам коллектив ҳурматини қозона борди. Вақтдан рационал фойдаланиш, технология талабларига қаттиқ риоя қилган ҳолда маҳсулот сифатини янада яхшилаш, хомашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига ипак таннархини арзонлаштириш борасида тинмай изланди. Бригада аъзолари билан бирга йигирув цехида бажариладиган уччала асосий касбни мукаммал ўрганиб олди. Лозим бўлиб қолганда ёки бирон-бир сабаб билан бригада аъзоларидан кимдир ишга чиқмай қолса, бемалол унинг ўрнида Саноатхоннинг ўзи ишлаб, станокларнинг тўхтаб қолишига йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам кундалик план топшириқлари мунтазам ошириб бажариляпти.


Саноатхон бригадаси ўтган йилнинг ноябрь ойидаёқ беш йиллик планини бажариб, 1971 йил ҳисобига маҳсулот бера бошлади. Давлатга топширилаётган ипакнинг сифати пландаги 30 процентдан 60—65 процентга кўтарилди, ҳар ойда 30—40 килограмм пилла иқтисод қилина бошланди. Шунинг учун ҳам бригадага коммунистик меҳнат бригадаси фахрий унвони берилди.

Ўтган йил Саноатхон учун қувончли бўлди. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини юқори баҳолаб, «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотлади.

Илгор ишчи, ҳормас-толмас жамоатчи Саноатхон меҳнат қўйнида бўлиш билан бирга Низомий номли Тошкент педагогика институтининг V курсида таҳсил олмоқда.

Н. АҲМЕДОВ.







РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти йилдан-йилга гўзаллашиб бораяпти. Мамлакатимиз барча халқлари ёрдамида эрлзла жароҳатларидан халос бўлган Тошкентимизнинг бугунги жамоли жуда латофатли, жозибали ва салобатлидир. Ўшбу суратларда шаҳарда қад кўтарган ҳашаматли бинолар, осмонўпар турар-жойларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

«ЗАНГОРИ ЭКРАНДА»— ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Тошкент телестудиясининг КПСС XXIV съездига бағишлаб ўтказаётган Ўзбекистон областлари фестивали эстафетасини ўтган якшанба Тошкент области қабул қилиб олди. Бу оқшом область ижроия комитетининг раиси С. Асомов телетомошабинларга пойтахт области экономикаси ва маданиятининг ўтган беш йиллиқдаги ютуқлари ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг область шаҳар ва районлари бўйлаб сафарда объективга туширилган кинолавҳалар намойиш этилди. Телетомошабинлар олдида «Алмаликсвинецстрой» трести бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Низом Ғозиқулов Ангрендан 9 шахта мустаҳкамловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Хасанов, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз раиси Солижон Жўраев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз коллективларининг партия съезди арафасида эришаётган меҳнат муваффақиятлари ҳақида гапириб бердилар.

НАМУНАЛИ КУТУБХОНА

Чилонзор районидаги Фурқат номли кутубхона китобхонлар билан доим гавжум бўлади. Илм даргоҳи 1958 йилда ташкил топган бўлиб, 17 минг китоб фондига ва 1600 ўқувчисига эга эди. Ҳозир бу ерда 61 минг китоб бор.

Кутубхонада маданият университети ишлаб турибди. Машғулотларда «Хотин-қизларнинг онладаги роли», «Болалар тарбияси ҳақида» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Машғулотларни Чилонзор район «Билим» жамиятининг лектори Н. Лобушкина, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи И. А. Мурзина ва бошқалар олиб боришмоқда. Музикали лекторий машғулотлари ҳам ишлаб турибди.

Кутубхона мудираси Зоя Терновская ходим Римма Сотниковалар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб китобхонлар ҳурматини қозонмоқдалар.

Э. МАМАЖОНОВА.

ИЖОД БАХСИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетида шоир Ҳусниддин Шарипов билан учрашув бўлиб ўтди. «Ижод бахси» деб аталган бу учрашувни университет адабиёт тўгарагининг раҳбари, филология фанлари кандидати Умарали Норматов очиб, Ҳусниддин Шариповнинг ижоди ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Шундан сўнг шоирнинг яқинда чоп этилган «Лирика» китоби устида бахс бўлди. Унда филология фанлари кандидатлари О. Шарафуддинов, А. Расулов, аспирант Т. Алимов, студентлардан О. Товбаев, Б. Норбоев, О. Пўлатовалар қатнашиб, шоирнинг янги мажмуасидаги шеър ва достонлари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

А. ТУРДИЕВ.

СЕССИЯ МУҲОКАМАСИДА ПИЛЛАЧИЛИК МАСАЛАСИ

Меҳнаткашлар депутатлари Бекобод район Советининг яқинда бўлган сессияси пиллачилик масаласини муҳокама қилди. Район ижроия комитетининг раиси Э. Хатамов докладида пиллачиликни янада ривожлантириш, янги тут плантацияларни барпо қилиш масаласида алоҳида тўхталди.

Пиллакорлар ўтган юбилей йилида зиммаларидаги вазифани бажара олмаган эдилар. Планда белгиланган 112 тонна ўрнига 91 тонна пилла топширилган эди. Райондаги Дзержинский номли, «Коммунизм», колхозлари, «Октябрь 40 йиллиги», «Октябрь 50 йиллиги» совхозлари ҳам пилла топшириш планини бажара олмадилар. Бу хўжаликларда белгиланган планнинг бажарилмай қолиши пилла учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмагани ҳамда пилла қуртлари «агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмаганлигидир.

Сессия музокараларида сўзга чиққан 2-«Далварзин» совхозининг директори Қ. Қозоқбоев, Ленин номли колхоз раиси Х. Ҳамроқулов, «Октябрь 50 йиллиги» совхози пиллачилик бригадаси бошлиғи Н. Маҳмудова ўртоқлар ўтган йили рўй берган камчиликларни тугатиш пиллачиликни юксалтириш учун янги резервларни ишга солиш ҳақида сўзладилар.

Район пиллакорлари бу йил 113,7 тонна ўрнига 125 тонна «кумуш тола» етказиб бериш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар.

М. РЎЗИМАТОВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ПОКИСТОНДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ. (ТАСС). Мамлакатдаги ички сиёсий танглikни бартараф қилиш юзасидан мамлакатдаги етакчи партияларнинг раҳбарлари билан Даккада олиб борилган музокараларни тамомлаган Покистон президенти Яҳёхон тўсатдан самолётда Карочига учиб кетди. Президентнинг маслаҳатчилари умумпокистон халқ иттифоқи ва Покистон халқ партияси вакиллари билан музокараларни давом эттирадилар.

Чет эл информация агентликларининг хабар беришича, Покистондаги аҳвол кескинлашган. Шарқий Покистоннинг Дакка, Саудпур, Рангпур, Читтагонг шаҳарларида аҳоли билан қўшинлар ва полиция ўртасида тўқнашувлар бўлган. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Даккадан хабар беришича, Рангпур ва Саидпурда 90 киши ўлган.

Умумпокистон халқ иттифоқининг раҳбари Мужибур Раҳмон мамлакат президенти Яҳёхонни «ҳарбий операцияларни тўхтатиш тўғрисида дарҳол буйруқ бериш»га даъват этган.

Ғарбий Покистонда ҳам граждан аҳоли билан полиция ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Маҳаллий тўқимачилик корхоналари механикаларининг намойишларидан кейин тартибсизлик рўй берганлиги сабабли Лаялпур шаҳрида комендантлик соати болгиланган.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Америкаликлар Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг ҳамласи натижасида Лаос-Жанубий Вьетнам чегарасидан икки миля масофадаги Лонгбэй базасидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. АП агентлигининг ҳабарида айтилишича, 90 машинага тушиб олган Америка қўшинлари колоннаси шошилинч сурътада шу базадан Жанубий Вьетнамнинг ички томонига чекинмоқда. «В—52» типидаги стратегик бомбардимончи самолётлар бу колоннанинг чекинишини пана қилиб турибди.

ХАНОЙ. (ТАСС). Халқ озодлик қуролли кучлари артиллерияси 23 мартда душманнинг Такондаги (Кхесани райониданоқ) ҳарбий базасини тўпга тутганлиги натижасида Америка ҳарбий хизматчиларидан 100 дан ортиқ киши сафдан чиқарилди, 40 дан ортиқ вертолёт, 18 ҳарбий машина, шу жумладан 6 танк шикастлантирилди ёки яксон қилинди, 8 казарма вайрон қилинди. Ёнилғи ва ўқ-дори қўйилган 4 ҳарбий омбор портлатилди. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ўша куни Киавьет дарёсида душманнинг икки ҳарбий кемасини сувга ғарқ қилдилар.

АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК. 27 Америка ҳарбий хизматчилари иттифоқининг урушга қарши курашувчи ташкилоти баёнотида бундай дейилади: президент Вьетнамдаги урушни тўхтатамиз ва барча қўшинларни бу ердан олиб чиқиб кетамиз, деб бир неча марта ваъда берганлигига қарамай, Ҳинди-Хитойдаги агрессия давом этмоқда. Америка солдатлари эса ўз юртларига қайтмаётирлар. Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, Америка солдатлари ана шу адолатсиз урушда ўз жонларини қурбон қилишни истамайдилар. Америка халқи Вьетнамда уруш қилишдан бош тортаётган солдатларни тобора қўллаб-қувватламоқдалар.

ОЛЬСТЕРДА АҲВОЛ КЕСКИНЛАШИБ БОРЯПТИ

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ (Ольстер)даги аҳволга юзаки назар солганда, бу мамлакатда ўтган ҳафта ичида анча ўзгариш бўлганлигини кўрамиз. Шимолий Ирландияда ҳукумат алмашинди. Чичестер Кларк ўрнига Брайан Фолкнер бош министр ва ҳукмрон юнионистлар партиясининг раҳбари бўлди. Брайан Фолкнер аввалги ҳукуматда тараққиёт министри эди.

Аммо нечоғлик кўп ўзгариш бўлса, ҳақиқий аҳвол ҳам шунчалик ўзгармай қолаберади, деган фикрни Шимолий Ирландияга нисбатан кўпроқ татбиқ этиш мумкин. Гап шундаки, Ольстерда рўй берган ўзгаришлар асосий масалани ҳал қилмайди, яъни Англиянинг бу мамлакатдаги мустамлакачилик ҳукмронлигини йўқотмайди. Чичестер Кларк ўнг реакционерларнинг тазйиқи билан истеъфо беришга мажбур бўлди. Ўнг реакционерлар граждан ҳуқуқлари учун курашувчиларга қарши қаттиқроқ жазо чоралари кўрилишини талаб қилдилар.

Янги бош министр Брайан Фолкнер Шимолий Ирландияда инглиз ҳукмронлигининг энг содиқ тарафдорларидан бири сифатида ном чиқарган. Реакцион «Оранжистлар ордени» гуруҳининг аъзоси бўлган Брайан Фолкнер ўнг кучларнинг қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади. Шу сабабли кузатувчиларнинг кўпчилиги Фолкнер гражданлик ҳуқуқлари учун курашувчиларга қарши репрессияларни кучайтиришга қаратилган шафқатсиз сиёсий йўлни амалга оширади, деб ҳисобламоқда.

Маълумки, Шимолий Ирландия ватанпарварлари ва гражданлик ҳуқуқлари учун курашчилар ўз манфаатларига қилинаётган янги ҳужумга тоқат қила олмайдилар. Ирландия коммунистик партияси Ольстер меҳнаткашларини ижтиёзли озчиликнинг, корхона эгалари ва ер эгаларининг манфаатларига мос бўлган сиёсатни рад этишга ҳамда социал ва иқтисодий ҳуқуқлар учун, репрессияларни тўхтатиш учун, аҳолининг турмушини яхшилаш учун курашда жипслашишга даъват этди.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).



Ливиянинг пойтахти Триполи шаҳрида Халқаро 9-ярмарка ишлаб турибди. Унда Европа, Осиё ва Африканинг 30 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этмоқда. Ярмаркада биринчи марта Европадаги барча социалистик мамлакатлар қатнашмоқда. Уларнинг Ливия Араб Республикаси билан бўлган савдо алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда.

Суратда: ярмаркада намойиш этилаётган совет техникаси.

В. Густяков фотоси, ТАСС.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ ЯХШИ

◆ Лаби ёрилган кишилар ухлаш олдидан юпқа қилиб асал суртиб ётсалар, ёрилган лаб тез орада тузалиб кетади.

◆ Отқулоқ шифобахш гиёҳдир. Унинг организмга фойдаси кўп. Агар янги узилган барги ювилиб, баданнинг лат еган жойига қўйилса, оғриқ тезда қолади.

◆ Қоқи ўтининг нафи кўп эканлигини ҳамма ҳам биламаяпти. Борди-ю, асалари чақ қундек бўлса, ўша жойга қоқи ўтининг сутга ўхшаш оппоқ ширасини суртинг. Шунда оғриқ қолади, ари чақкан жойни шишишдан сақлайди.

Спорт

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Швейцарияда хоккей бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари бошланди. Совет хоккейчилари ҳозир ягона пешқадам бўлиб турибдилар. Улар Германия Федератив Республикаси командасини 12:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Чехословакияликлар АҚШ хоккейчиларини 5:0 ҳисобида енгдилар.

Ўтган якшанба куни яна икки ўйин бўлди. Мана уларнинг натижалари: Швеция — АҚШ— 4:3, ГФР — Финляндия —2:7, СССР терма командаси олти ўйиндан сўнг 11 очко тўплади. Унинг тўплар нисбати ҳам жуда яхши — 52:10. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Швеция хоккейчилари 9 очкого эга.

ХРОМОВ ЯНА ЧЕМПИОН

Бокс бўйича Қозон шаҳрида ўтказилган СССР чемпионати якунланди. Тошкентлик «Меҳнат резервлари» жамиятининг вакили Николай Хромов ўтган йилгидек бу йил ҳам енгил вазнда мамлакатнинг энг кучли боксчиси эканлигини кўрсатди. У финал «жанги»да ҳамшаҳри А. Қодирохуновни енгди. Қодирохунов кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, самарқандлик Николай Анфимов ҳам фахрли иккинчи ўринни ва кумуш медални олди. Яна уч боксчимиз И. Муллаев, Р. Рихснев ва В. Шабельников бронза медалларига сазовор бўлдилар. Улар саралаш олишувларида мамлакатнинг уч карра чемпиони А. Семёнов, Европа чемпиони В. Тарасенков, СССР чемпиони Ю. Юоцвичусга қарши муваффақиятли «жанг» қилдилар. Ёш Анфимов эса Каратаевни мағлуб этди.

БИРИНЧИ ЎЙИНДА МАҒЛУБИЯТ

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари ним чорак финалининг биринчи ўйинида мағлубиятга учрадилар. Улар Ереван шаҳрида Москва спартакчиларидан 0:3 ҳисобида енгилдилар. Уччала тўпни учрашувнинг биринчи бўлимида спартакчи Егорович киритди. Жавоб учрашуви Тошкентда 1 апрелда бўлади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТЎТИҚУШЛАР СУҲБАТИ

Париждаги қўлга ўргатилган қушлар салонида икки тутиқуш ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди. Улар гапдан ҳеч адашмай, бир-бирлари билан узоқ суҳбат қилдилар.

Тўтиқушлар хўжайини Пьер Уорентен уларни сотиб олмоқчи бўлган жуда кўп кишиларнинг таклифларини рад этди. Яқин вақт ичида у ўз тўтиқушлари билан саҳнада чиқишга тайёрланмоқда.

ҚУЁН АЙБДОР

Швейцариялик эпидемиологлар бу мамлакатга туляремия, пироплазма сингари ғоят хавфли касалликларни тарқатувчи турли хил қуртлар қандай келиб қолганлиги устида кўп бош қотирдилар. Ниҳоят айбдор топилди. У чегарадан ўзи билан бирга шу хавфли жониворларни «бехтиёр» олиб ўтадиган франциялик қуёнлар экан.

ВЕРТОЛЁТНИ КИМ ЎИЛАБ ТОПГАН?

Шу пайтгача вертолёт яратиш идеяси Леопардо да Винчига мансуб деб ҳисобланар эди, негаки дастлабки вертолёт чизмаси 1486 йилда шу буюк итальян олими томонидан чизилган эди.

Аммо яқинда инглиз олими Чарльз Гэббс-Смит Копенгаген кутубхонасида 1325 йилга оид ҳужжат топди. Унда ҳозирда ҳаммага маълум болалар вертолётига ўхшаш шакл бор эди. Олимнинг фикрича, бу вертолётнинг дастлабки ҳомаки чизмасидир. Лекин, бу идеянинг аел муаллифи кимлиги ҳамон номаълум.

ҒАРОИИБ РЕКЛАМА

Мюнхендаги нашриётлардан бири ўз китобларига қизиқиш уйғотиш мақсадида ўрмон ҳақида шундай бир китоб чиқариш ниятидаки, ундан ўрмоннинг турли хил рангбаранг иси келиб турармиш. Китобнинг қанчалик қизиқарли бўлиши ҳақида ҳозирча бир нимз дейиш қийин.

ЭНГ МАЗАЛИ САБЗАВОТ

Чехословакия сабзавотчилик институти сабзавотларнинг янги навларини яратиш билан шуғулланаётган селекционерлар учун перспектив план тузиб берди.

Планда бодринг таҳир бўлмаслиги, помидор бир хил ёркин тусда бўлиши, карамнинг боши кичик, пиёз чиришга мойил бўлмаслиги, гаримдори иси ўткир бўлишига эришиш вазифа қилиб қўйилди.

Энг муҳими, бундай нав сабзавот турли касалликларга шундай чидамли бўлиши керакки, токи ҳеч бир химиявий дори ёки ўғитга зарурат қолмасин.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

10.55 — Кўрсатувлар программаси.

УЗБЕК ТИЛИДА:

11.00 — Ўқувчилар учун. **«Партиямиз бахт берган бизга».**

11.30 — **«ОҚ ФЛЮГЕР»** (Бадиий фильм).

БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ ПРОГРАММАЛАР ОРҚАЛИ

Соат 12.50 дан **бошлаб,** МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ

САОТ 12.55 ДА:

МОСКВА КРЕМЛЬ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/III да **Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (кундузи), **Рус кишилари** (кечқуруни), 31/III да **Спартак** (кундузи), **Флория Тоска** (кечқуруни).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Афсона яратган қиз** (кундузи), **Йўлчи Юлдуз** (кечқуруни), 31/III да **Афсона яратган қиз** (кундузи), **Машаққатли йўл** (кечқуруни).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да **Паранжи сирлари**, 31/III да **Хотинимнинг эри** (билетлар сотилган).

Кино

Қирол Лир (2 серия) — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Коцюбинскийлар онласи (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 5 ва кеч 8 да).

Бўлинган тўй — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруни).

Империянинг емирилиши — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруни).

Қизларни олмаймиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Ҳалоскорлик — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруни).

«Авлиё Лукн»нинг қайтиши — «МОСКВА» (кундуз соат 3 да).

Оқ флюгер — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, 11 да).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ХИМИЯВИЙ РЕАКТИВЛАР МАГАЗИНИ

лабораторияларда ишлатиладиган химиявий реактивлар ва препаратларни 1972 йилда сотиш учун

1971 ЙИЛ 20 АПРЕЛГАЧА

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Справка учун телефонлар: 77-48-55, 77-05-52.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

ҳамма корхона, муассаса ва ташкилотларга ҳар хил маркадаги телевизорларни «Темп», «Рубин», «Горизонт», «Электрон»дан ташқари. ҳамда вольтметр билан бошқариладиган трансформаторларни лимит зачётга киритмасдан пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Бутуниттифоқ илмий ишлаб чиқариш «Каскад» бирлашмасининг

УРТА ОСИЁ ЛОЙИҲА МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

(Афшон кўчаси, 48-уй. Телефон 77-56-82, 77-55-39)

жойларда ишлаш учун: электрон-ҳисоблаш машиналарини материал билан таъминлаш ва программалаш бўйича инженер математиклар, ҳисоб техникаси, автоматика бошқариш системалари ва телемеханика бўйича инженер-электриклар; радио инженерлар, радиоаппаратлари бўйича техник-регулировкачилар, электрон-ҳисоблаш машинаси бўйича механиклар, ускуналар монтажи бўйича 4—6 разрядли монтажчилар (меҳнат ҳақи ихтиёрий):

Тошкентда ишлаш учун: 3-6-разрядли алоқа монтажчилари, кабелчилар, қалайловчилар, линиячилар, ускуналар монтажи бўйича автослесарлар, шоферлар, трактиорчилар, газэлектр пайвандчилар, юк ташувчилар, ҳар турдаги ишчилар, қоровуллар.

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 03258 ИНДЕКС — 64697. № А—1718.